

Суннатлардаги ўнта илмий ҳақиқат (олтинчи мақола)



14:01 / 15.03.2024 2125

Кундан кунга Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарадаги илмий мўъжизалар, ҳақиқатлар илмий томондан ҳам аниқланмоқда. Ушбу мақолада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида баён қилинган ва яқин йиллар ичида аниқланган илмий ҳақиқатлар зикр этилади.

Кексалик

Олимлар кексалик инсоннинг табиий яқунига етишининг энг яхши йўли эканлигини таъкидлайдилар. Акс ҳолда ҳаётни маълум чегаралардан узоқроққа чўзишга бўлган ҳар қандай уриниш жуда кўп оқибатларга олиб келади, улардан энг кичики саратондир. Олимлар: «Ўлмасдан, абадий яшашга эришиш учун қилинган ҳар қандай уриниш табиатга зиддир» дейдилар.

Олимлар қаришни даволаш ва умрни узайтириш учун миллиардлаб маблағ сарфланганига қарамай, тажрибалар ҳеч қандай фойда бермаган, деган хулосага келишди. Улуғ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу борада ҳадис ворид бўлган.

